



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Меликулов Фарҳод Мамадалиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ходими

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8424537>

ARTICLE INFO

Received: 03rd Oktober 2023

Accepted: 09th Oktober 2023

Online: 10th Oktober 2023

KEY WORDS

Инсон қадри, инсон ҳуқуқлари,
“инсон қадри учун” тамойили,
ватанпарварлик,
халқпарварлик, маънавий-
ахлоқий тарбия, касбий
маданият, хизмат интизоми.

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари ходимларининг “инсон қадри учун” тамойили асосида халққа хизмат қилиши, уларнинг хизмат бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар бўлиб шаклланиши ҳамда юксак маънавий-ахлоқий савиясини оширишда бугунги кундаги камчиликларни бартараф этиш ва ходимларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришдаги ишлар таҳлил қилинган. Ички ишлар органлари ходимларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш ишларини янада яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонида ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилган.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир¹.

Зотан, ички ишлар органлари ходимларини давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларига эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратишга қаратилган муҳим дастурий ҳужжат – Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг II йўналишида (“Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги

¹ Жўраев М.У. Ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш: Юрид. фан. док-ри. (PhD). дис. ... автореф. – Т., 2022. – Б.11-12.



тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш”)нинг 17-мақсади: “Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш” деб номланиб, унда “Ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш” вазифаси белгиланган².

Давлатимиз раҳбари раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас, албатта. Бу ҳақда юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”. Зеро, дунё миқёсида шиддат билан кечаётган таҳликали жараёнлар, ахборот ва мафкуравий хуружлар, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари, жумладан, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, фаровон турмушини яхшилашга қаратилган. Бунинг учун жамиятимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни ўрнатиш, қонун устуворлиги заминида кучли тартиб интизомни вужудга келтириш, ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, эркинлик, фаровон ҳаёт яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда оила, жамият, давлат олдидаги бурчи, масъулиятини англаб етадиган, ҳар томонлама камол топган, Ватаним деб, элим деб ёниб яшайдиган ва шу йўлда садоқат билан хизмат қиладиган, маънавий-ахлоқий салоҳияти юксак ички ишлар органлари ходимларини тарбиялаш яхлитлигини амалга ошириш зарур.

Шу боисдан “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил ҳаётимизга кириб келди. Конституция ва қонун устуворлигини, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш давлатимиз сиёсатида энг устувор вазифа этиб белгиланди. Мана шундай ислохотларни келгуси беш йилликда ҳам давом эттириш, уларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу стратегиянинг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб номланган V йўналишида бир қатор вазифалар асосий мақсад қилиб белгилаб берилди. Зеро, бугунги мураккаб ва таҳликали вазиятда ички ишлар органлари тизимида маънавий-маърифий соҳадаги ишларни замон талаблари асосида янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>



Шахсий таркиб билан амалга оширилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий-профилактик ҳамда мафкуравий ишлар таъсирчанлиги ва натижадорлигини кескин ошириш, “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” концептуал ғояси асосида ушбу йўналишдаги ишларни мутлақо янги босқичга кўтариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда³.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Шу жумладан, ички ишлар органлари фаолияти ҳам айнан мана шу тамойил асосида ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг концептуал асоси бўлиб хизмат қилди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган мазкур фармон ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатадиган, унинг ҳар бир ходими “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган, ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорида ички ишлар органлари ходимларини ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий қадриятларга содиқ, умуминсоний қадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга мурасисиз курашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш каби бир қатор энг муҳим вазифалар белгиланди⁴. Ушбу қарорга кўра, “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси” тасдиқланди.

Ушбу концепцияда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларнинг онгида Ватан тақдири ҳамда келажаги учун дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлаш каби улуғ мақсадлар ўз аксини топган.

Концепцияда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!” концептуал ғояси асосида ташкил этилиб, унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни

³ Ички ишлар органларининг кадрлар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш – халқ манфаатларига хизмат қилишнинг муҳим кафолати: Ўқув қўлланма (иккинчи нашри) генерал-лейтенант Б.А.Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – Б.139.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги “Ички ишлар органларининг жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5353841>



мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 октябрдаги ички ишлар органлари ходимларининг касб байрами муносабати билан сўзлаган нутқида: “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айтиш ҳақиқат бўлади”, дея таъкидлагани айтиш ҳақиқатдир. Бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар органларининг фаолияти очиқ ва ошкоралик йўсинида, фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этилмоқда. “Одамларни эшитиш, муаммолари, дарду ташвишларини ўрганиш тизими яратилди”.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Одамлар ички ишлар органининг ҳар бир ходимида ўз ҳимоячисини кўриши керак” деган фикрида эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини асраб-авайлаш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчи эканлигини теран англашимиз лозим. Бугун давлатимиз раҳбари томонидан ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини замонавий босқичга кўтаришга ғоят муҳим вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас, Зеро, бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “халқимиз Яратгандан, аввало, тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаёпмиз”, деб таъкидлаб ўтган.

Қайд этиш жоизки юртимизда ўтган давр мобайнида ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинди, эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларни янада тизимли ва самарали ташкил этишга катта туртки бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек: “Биз яратаётган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”⁵. Шунингдек, ўз нутқида маънавиятимиз учун энг катта хавф – бу аксарият одамларимиздаги лоқайдлик ва бепарволик, унинг кучайиб бораётганлиги, бошқа халқлар катта-катта марралар сари интилаётган бир пайтда маънавий жиҳатдан ғафлатга ботиб, “ухлаб ётиш”га, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, барча

⁵ Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир.

https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-jamiyat-hayotining-tanasi-iqtisodiyot-bolsa-uning-zhoni-va-ruhi-manaviyatdir_235451



фожиа ва муаммолар, Ватанга, миллатга, келажакка хиёнат айнан лоқайдликдан эканлиги, маънавий-маърифий соҳада олдимизда турган энг муҳим вазифа жаҳонда кечаётган геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, улардан хулоса чиқарган ҳолда, йўлимизни тўғри танлашимиз зарурлигини айтиб ўтган эди. Тарбия инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган ижобий фазилатларини намоён этувчи беқиёс кучдир. Айнан тарбия туфайли инсонда гўзал одоб-ахлоқ фазилатлари шаклланиб, инсоннинг жамиятдаги мавқиеи белгилаб беради. Энг қадимги ва абадий қадрият сифатида тарбия инсоннинг қалб беағи ҳисобланади. Зеро, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган, ориятли, маънавий жасоратли инсонгина буюк ишларга қодир бўлади. Ички ишлар органлари ходимлари қалби ва онгига ватан ҳимояси муқаддас ва шарафли бурч эканлигини сингдириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январда “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарорга мувофиқ, “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси” тасдиқланди. Яъни ички ишлар органлари ходимларини давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш, ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ноҳўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ходими, энг аввало, маънавий жиҳатдан етук, дунёқараши кенг, узоқни кўра биладиган, креатив фикрлайдиган, нотиклик жиҳатдан устун, фидойи, мард ва хизмат бурчига садоқатли, маънан етук бўлиши талаб этилади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Инсон имон-эътиқодли бўлса, юртига содиқ бўлиб хизмат қилса, у ҳақиқий ватанпарвар бўлади”⁶.

Шу ўринда, ички ишлар органлари ходимларини маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

биринчидан Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ҳамда устувор йўналишларини ички ишлар органлари ходимларига етказиб бориш;

иккинчидан ички ишлар органларида маънавий-маърифий ва ахлоқий-руҳий ишларни тизимли ташкил этиш, касбий маданият ва хизмат интизоми талабларига

⁶ Мирзиёев М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т – “Ўзбекистон”, 2017-478 бет.



сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркибнинг ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга қаратилган амалий ўқув машғулотлари ўтказиб бориш;

учинчидан ички ишлар органларида мураббийлик институти ҳамда соҳа фахрийлари фаолиятини самарали ташкил этиш орқали “Устоз-шогирд” анъанасини янада оммалаштириш ва уларнинг катта ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш;

тўртинчидан ички ишлар органларида музейлар, театрлар ва ахборот-ресурс маркази имкониятларидан унумли фойдаланиш, ходимларнинг маънавий-руҳий ҳолатини яхшилаш, шахсий таркиб ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш ва китобхонлик танловларини мунтазам ўтказиб бориш;

бешинчидан ходимлар онгу тафаккурига Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилиш шарафли, муқаддас бурч эканини, қасамёдига содиқ бўлиш, хизмат бурчини бажаришда қонунийликка қатъий риоя этиш туйғусини чуқур сингдириш орқали халқнинг уларга бўлган ишончи ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш борасида давлат ва жамоат арбоблари билан маънавий-маърифий учрашувлар ўтказиб бориш.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек: “Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни, албатта, яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир. Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизгин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади”⁷, дея таъкидлаши айтиш ҳақиқатдир. Бинобарин, Ватан шаъни, миллат орномуси учун жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил ички ишлар органлари ходимини тарбиялашда маънавият энг таъсирчан ва қудратли қурол вазифасини ўтайди. Зеро, маънавияти юксак, билимли, ташаббускор, шижоатли, ўз олдида улкан мақсадларни қўйган ички ишлар органлари ходимлари Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.
2. Жўраев М.У. Ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри. (PhD). дис. ... автореф. – Т., 2022. – 56 б.
3. Ички ишлар органларининг кадрлар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш – халқ манфаатларига хизмат қилишнинг муҳим кафолати: Ўқув қўлланма (иккинчи нашри) генерал-лейтенант Б.А.Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. –170 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш

⁷ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2019>



соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5353841>

5. Шавкат Мирзиёев Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. <https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-jamiyat-hayotining-tanasi-iqtisodiyot-bolsa-uning-zhoni-va-ruhi-manaviyatdir-235451>

6. Ш.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 478 б.

7. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://uza.uz/uz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2019>